

ХАЁТИМИЗДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА

Улдона Маматалиева

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги

33-Умумтаълим мактабининг Бошлангич синф ўқитувчиси.

Аннотация: Мамлакатимиз тараққиёти, таълим – тарбия уйғунлиги, истиқлол, ёшлар келажагимиз, Ватанимиз тақдири, Юртимиз равнақи ёшлар қўлида.

Калит сўзлар: Мамлакат, тараққиёт, таълим-тарбия, юрт, келажак, Ватан равнақи, ёшлар.

Барчамизга маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, таълим соҳасини ривожлантириш борасида ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди. Ёшларимизга Ватан тақдирига даҳлдор, Юртимизнинг эртаси, назари билан қараш бошланди. Ёшлари билимдон Юртнинг эртаси порлоқ бўлиши, ёшлар эртанги кунимизни белгиловчи асосий куч эканлиги баралла айтила бошланди. “Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш” эканлиги, “Бешикдан қабргача илм излаш” муҳимлиги бот-бот такрорланганлиги ҳам ёшлар юрт равнақига ҳисса қўшадиган комил инсонлар эканлигидан дарак бера бошлади. Дарҳақиқат, Таълим-тарбия ҳақида сўз кетганда, Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган чуқур маъноли фикри беихтиёр ёдимизга тушаверади. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асrimiz бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ долзарб аҳамиятга эгадир. Мухтарам Президентимиз Шавкам Миромонович Мирзиёевнинг таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб айтган ҳар бир сўзлари

«Тарбия» фанини яратиш ва ўқитиши ташаббуси илгари сурилиши ҳам ана шу ҳаётини зарурат билан чамбарчас боғлиқдир десак муболага бўлмайди. Шу мақсадда мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиб, «Миллий ғоя», «Одобнома», «Динлар тарихи», «Ватан туйғуси» каби фанларни бирлаштирган ҳолда, «Тарбия» фанининг ўтилаётгани ҳам ўғил-қизларимизни комил инсон қилиб тарбиялашдаги яна бир эзгу қадам бўлди. Мазкур ташаббус рўёби сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлда “Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди ва ҳозир шу асосда кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, “Тарбия” фанининг ўтилаётгани Ватанимизнинг бугуни буюклигидан, келажаги эса бугунидан порлоқ эканлигидан далолатдир. Барчамизга маълумки, ҳар бир жамият ўз олдига етук, ҳар томонлама камол топган, ўзида бутун ижобий, олийжаноб фазилатларни бирлаштирган авлодни тарбиялашни орзу қиласи. Тарбияси жуда оғир, маънавияти қашшоқ ёки маънавиятдан маҳрум бўлган одамдан бирор эзгулик кутиш мумкин эмас. Ундей ёшлар яхшилик ва эзгулик ҳақида умуман ўйламайди. Тарбияли, маънавиятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади, шунингдек, келгуси ҳаёт ва турмушнинг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга интилади.

Бугун халқимизнинг «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» буюк мақсадига эришувида маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур.

Маълумки, Зардуштийлик уч асосий ахлоқий қоидага таянади: «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал». Зардуштийликда ҳар учаласига риоя қилган одам камолотга етган инсон ҳисобланган.

Имом Бухорий бобомиз бу хусусда янада ёрқинроқ сўз айтган: «Боланинг табиати ривожланишга мойил бўлади, уни қандай ғоялар билан тўлдириш ота-она ва устозга боғлиқ».

Буюк бобокалонларимиз «Инсонда гўзал фазилатлар икки йўл — таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг

амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир», дея таъкидлайди. Сўз мулкининг султони ҳазрат Навоий бобомиз инсон қадр-қиммати унинг мол-мулки, зеб-зийнати, мансаби ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари, ундан элга қанчалик наф тегиши билан белгиланишини кўп марта такрорлаган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганлариdek, “Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий қадриятларимиз асосида яратган “Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ” асари шарқона тарбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Бир сўз билан айтганда биз, Баркамол авлодни тарбиялаш орқали эса олдимизга қўйган улкан мақсадга эришамиз — мамлакатимизда учинчи Уйғониш кўз очади.

Фойдаланлган адабиётлар:

1. Абира Ҳучайнованинг Тарбия ҳақидаги мақоласи
2. Интернет манбалари